



Ishonch

Моҳият
Биз учун
ягона тўғри
йўл — тараққий
топган дунё
билан
иқтисодий
интеграция
йўлидан
боришдир.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан

Нью-Йорк, 20 сентябр. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар қамрови кенг. Мамлакатимиз 1992 йилда ушбу энг нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлди. Утган даврда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида Ўзбекистон БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келди.

2002 йилда БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга келди. Жорий йилнинг апрел ойида амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асосида БМТ Бош котиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммага ҳақон ҳам-жамияти эътиборини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Бош котиб Пан Ги Муннинг ташрифи

асносида БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд мақоми олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга қумаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу хайрли гоғани кенг қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни бар-

қарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросига алоҳида тўхтади.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги куннинг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда уруш ва можаролар тўсиқ бўлаётганини, Афғонистон мисолида бунинг яқол тасдиғини кўриш мумкинлигини таъкидлади. Мазкур мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-гуманитар ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амал-

га ошириш лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, Афғонистон халқининг кўп асрлик анъаналари ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарур.

Президент Ислом Каримов Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атраф муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнги қирқ йилда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амударё ва Сирдарё қўриғида сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камайирилиши шусиз ҳам мураккаб аҳолидаги экологик барқарорликка путур етказди.

Ўзбекистон раҳбарининг илгари сурган таклиф ва ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

(ЎзА)

Ислом Каримовнинг Лондон учрашуви

Лондон, 19 сентябр. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка йўл олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда «Британия-Ўзбекистон» жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши ҳаёраиси Хартли Бут ва «Британия-Ўзбекистон» парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли билан учрашди.

Ислом Каримов Ўзбекистон-Британия муносабатлари ривожланиб бораётганини, хусусан, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиётгани, олий қонун чиқарувчи органлар делегацияларининг ўзаро ташрифлари фаоллашгани, илмий муассасалар ва ишбилармон доираларнинг ҳамкорлиги кенгайтирилгани таъкидлади.

— Ўзбекистон Буюк Британия ҳукумати билан ҳамкорлик учун очик, бугун қайта ишга солинаётган салоҳият яқин вақтларда ҳаётга татбиқ этилади. Сизларнинг фаолиятингиз мамлакатингиз халқи Ўзбекистон халқи ҳақида янада кўп

маълумотга эга бўлиши учун яқин муҳит яратмоқда, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон ва Буюк Британия минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Иил охирида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш мўжзалланмоқда. Унда кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги соҳасида улкан таърибага эга. Буюк Британиянинг ўсимликшунослик ва экологияни ўрганиш бўйича институтлари дунёдаги етакчи илмий тадқиқот марказларидан саналади. Истиқболда бу йўналишдаги алоқалар ҳам кенгайди.

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Евро-

падаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Мамлакатимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган икки юзга яқин қўшма корхона, Буюк Британиядаги эллидан зиёд фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

«Британия-Ўзбекистон» парламент гуруҳи икки мамлакат ўртасида турли ташкилот ва идораларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга, сиёсий алоқалар ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий-мезърий асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўймоқда.

Учрашувда Хартли Бут Президент Ислом Каримовнинг айнан Лондон шаҳрида тўхтаб ўтиши чуқур рамзий маънога эга эканини таъкидлаб, Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кемероннинг Ўзбекистон Республикаси Президентига

макутубини топширди. Унда, жумладан, шундай дейилди: «Бирлашган Қироллик Ўзбекистон билан алоқаларини юксак кадрлайди. Мен британиялик қатор йирик сармоядорлар Ўзбекистонда салмоқли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканидан хабардорман. Умид қиламанки, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгашининг жорий йилдаги навбатдаги мажлиси мамлакатларимиз ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларини яқин, янада юқори босқичга кўтарарди».

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга, парламентлараро алоқаларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Янги Кун Янгиликлари

«Янги Марғилон – сўт» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига сўт ва сўт махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Фаолият кенгайтириш ҳисобига қўшимча 10 та янги иш ўрни яратилди.

Замонавий технология асосида

Корхона Тошлоқ, Қўштепа, Ёзёвон, Фарғона туманларида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва аҳолидан сўт қабул қилиб, қайта ишламоқда. Айни пайтда корхонада творог, пишлок, қаймоқ, қатик, сметана ишлаб чиқарилиб, болалар шифохонаси, 1-Меҳрибонлик уйи, мактаблар, мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилмоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, Марғилон шаҳри

Фузор туманида 50 ўринли янги туғруқ мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилди. Мажмуа раҳбари Муҳаббат Узоқованинг таъкидлашича, шифохонада она-болалар учун барча қулайлик яратилган.

Қулайлик

Туғруқхона 800 млн. сўмлик энг сўнги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Тоза ичимлик суви, иссиқлик, канализация тармоғи мавжуд. Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Абдурашид Хужамуродовнинг маълум

қилишича, бу ерда «Тез тиббий ёрдам станцияси» ҳам ишга туширилди. Тумандаги 30 та кишлоқ врачлик пункти 232 млн. 465 минг сўмлик тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

Иззат ҲИКМАТОВ

Хатирчи туманидаги Каттасой кўпригини сел оқибди кетиб, «Ўзбекистон», Ибн Сино номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи аҳоли учун жиддий ноқулайлик юзга келганди.

Кўприк қурилди

Табий офатга бардош берадиган янги кўприк қурилиши муаммони бартараф этди. Катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари «Тошкентметрострой», «Самарқандйўлқурик», Хатирчи тумани йўл қуриш, пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш корхоналари томонидан 527 млн. сўмлик иш бажарилди. Натижада, аввалги йўллар бири-бири билан туташиб, аҳолининг узоғи яқин бўлди.

И. БАҲРОНОВ

Республикаимиз пахта далаларида

Рағбат

Пахта ҳосилини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиб, териб олиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.



Бошқа ҳудудларда бўлгани каби Қашқадарё вилояти далаларида ҳам иш қизгин. Жорий йилда вилоятда 160400 гектар ерга чигит қадалган бўлиб, давлатга пахта сотиш шартномавий режаси 417000 тонна қилиб белгиланган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раёсати 2010 йил 9 сентябрда қарор қабул қилиб, пахта терими иштирокчиларига қулай меҳнат шартларини яратиш, уларни сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш ҳамда илгорларни рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққанди. Шунга асосан Федерация кенгаши илгор пахтакорлар, теримчилар учун Фахрий ёрликлар таъсис этиб, қимматбаҳо совғалар ажратди.

Федерация кенгашининг раис ўринбосари Нормамат Аллаёров

бошчилигидаги бир гуруҳ масъуллар воҳада бўлиб, дала шийпонларида меҳнаткашлар билан учрашди.

Нишон тумани ҳудудидаги қатор фермер хўжалиқларига талабалар мадад бўлмоқда.

— Худудимизда 71 та пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари бор, — деди биз билан суҳбатда Наврўз МТП раиси Жуманазар Хуррамов. — 2143 гектар ерга чигит экилган. 6000 тонна пахта топшириб, режани ошиғи билан бажармоқчимиз.

Қарши Давлат университети физика-математика факультети талабалари билан учрашув чоғида илгор теримчиларга Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Факультет рангли телевизор билан муқофотланди.

— Кунига 260 килограмдан пахта тераялман, — дейди талаба Ал-



фия Авазова. — Дала шийпониди барча шароитлар бор. Кечки пайт маданий тадбирлар уюштирилмоқда.

Касаба уюшмаларининг ҳашарчилар ҳолидан хабар олиши барчани қувонтирди.

Куннинг иккинчи ярмида каса-

ба уюшма фаоллари Миришкор далаларига чиқиди. Дастлаб Шаҳрисабз тиббиёт коллежи ўқувчилари жойлашган Тошкент массивидаги дала шийпониди дилдан суҳбатлашиб олинди.

ЎзКУФК раис ўринбосари Н.Аллаёров ҳашарчилар ҳузурда

сўзга чиқиб, Федерация вакиллари ташрифини Қашқадарё вилоятдан бошлаганлиги бежиз эмаслигини таъкидлади. Республикада ўзининг муносиб ўрнига эга вилоят бу йил қарий ярим миллион тонна пахта ҳосили билан давлатимиз хазинасига ҳисса



қўшади. Бинобарин, эътибор ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Тошкент массивида ўтган учрашувда Қашқадарё вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев ҳам иштирок этиб, кўрсатаётган жонбозлиги учун ҳашарчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Ўз навбатида, вилоят ҳокимлиги таъсис этган қимматбаҳо совғалар ҳам теримчиларга топширилди.

— Менга рангли телевизор совға қилишди, — дея дил сўзларини баён қилди Шаҳрисабз тиббиёт коллежи ўқувчиси Адиба Сиддиқова. — Эътибор кишини руҳлантиради. Далалардаги ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиб олиш фарзандлик бурчимиз.

Миришкор туманидаги Янгиобод массивидаги дала шийпониди эса Қарши педагогика коллежи ўқувчилари жойлашган.

— 3252 нафар ўқувчи пахта теримида жалб қилинган бўлиб, улар Миришкор туманининг тўртта ҳудудида йиғим-терим ишларига қумаклашмоқда, — деди коллежининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Баҳром Жумаев. — Амрулло Тўхтаев, Фахриддин Каримов, Одил Бобоев, Фахриддин Йўлдошев терим суръатини оширишга ҳаракат қилишяпти.

Янгиобод массивидаги дала шийпони кечки пайт янада гавжумлашди. Теримдан қайтган ёш ҳашарчилар — Қарши педагогика коллежининг 60 нафар, Миришкор иқтисодий коллежининг 10, Қамаш педагогика коллежидан ҳам шунча, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалининг 20 нафар илгор теримчиларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қимматбаҳо совғалари ва Фахрий ёрликлари топширилди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Пахта — 2010

Барака чаноғи

Қизилтепа тумани далаларидан пахта қабул қилиш пунктлари томон ҳосил ортилган техникалар қатновининг кети узилмайд. Пахтакор ва ҳашарчилар учун зарур шарт-шароит яратилди. Теримчиларнинг иш ҳақи ҳар беш кунда, тўғридан-тўғри тарази ёнида тарқатилмоқда.

қадаган эдик. Ҳарқалай, ўзини оқлади. Ҳар гектардан 70 центнердан ҳосил кўтардик. Ана шу 20 тонна режадан ошган ғаллани аъзоларга тақсимладик. Меҳнатига қараб бир ёки икки трактор тележасида сомон тарқатдик.

Назаримда, бу йил пахта йили бўлганга ўхшади. Агар мўлжалим панд бермаса, биринчи теримданок 85-90 фоиз ҳосилни жамлаб улгуримиз.

Отамнинг «Ер — бойликнинг онаси, меҳнат — отаси», деган таърифи шундоқ қуллоқларим остида туради. Мана, унга амал қилиб кам бўлганимиз йўқ. Икки йил аввал лизингга ҳўжалигимиз учун «ТТЗ-80» тракторини харид қилгандик. Ҳозир қатор орасида ишловчи яна бир трактор олиш учун тегишли ҳужжатларни ҳозирлаётимиз.

Ҳўжалигимизга аъзолардан бошқа 20 нафар теримчи келиб қўшилган. Шунинг учун ички имкониятимизга

таъниб, бугундан бошлаб терилган пахта учун ҳар кун пул тўлаша утаётимиз.

Меҳнатимиз орқасидан беш фарзанднинг тўрт нафари ўқиб, олий маълумот олишга муваффақ бўлди. Кенжа ўғлимиз Бехрузжон 4-синфда тахсил олмоқда.

Сўхбатимизга ҳавас билан тикилиб турган болақайнинг чеҳраси ёришди. Кейин, дадасининг ёнига келиб, унинг кафтига чаноқ қўйди:

— Қаранг, дадажон, қўшчаноқни шу пайкалдан топдик.


Фермер 12 қиррадан иборат қўшчаноқнинг у ёқ-бу ёнига ҳавас билан тикилган, менга тутқазди.

— Кека пахтакорлар буни барака нишониси дейишади.

Мен ҳам шу топда раиснинг ишонч тўла ниҳонига боқанча тилак қилдим:

— Хирмонингизга барака берсин!

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Тумандаги Зармитан ҚФЙ худуди-га қарашли «Бехруз — Сардор келажиги» фермер ҳўжалиги далаларида бўлганимизда, оқ дурра ўрагандек, бир текис очилган ҳосилдор майдонларни кўриб, кўнглимиз ёришди. Шундоқгина йўл ёқасидаги ўн гектарлик пайкалда барака хирмонига улш қўшаётган теримчиларнинг шаҳди баланд. Иш ҳақи рўйхатида беш кунлик давомида 130, ҳатто 145 минг сўмгача нақд пул олган илгорлар исм-шарифини ўқидик. Келинг, яхшиши, иш юритишнинг мақбул қирралари

ҳақида ҳўжалик раҳбари Атоулла Ражабовдан эшитайлик:

— Отам умри давомида ҳали агроном, ҳали ферма мудури, ҳали бригадирлик қилиб, ҳосил тақдири учун курашиб келган. Мана шу далаларга жон киритишга ҳам хизмати сингган. Нафақага чиққан бўлса ҳам, муаммо ва ютуқларимиздан доимо хабардор.

Ҳар йили шартномавий режани ошиғи билан адо этиб келяпмиз. Бу йил ғаллачиликда сингган Россиянинг «Таня» навли бугдойидан ерга

Корхонанинг қудрати ошмоқда

«Oqsaroy textile» масъулияти чекланган жамияти 2009 йилда инқирозга юз тутган «Оқсарой тўқимачи» ЛТД қўшма корхонаси ишлаб чиқариш қувватлари негизда фаолият юритиб келмоқда.

2 млрд. 56 млн. 188 минг сўм миқдорда инвестиция киритилиб, хом ашё захирасини яратиш, зарурий тўловларни амалга ошириш, жумладан, ишчи-ҳодимларга иш ҳақини бериш учун фонд ташкил этилди. 600 иш ўрни тикланиб, ҳодимларнинг самарали меҳнат қилишига шaroит яратилди. Мавжуд замонавий технологик ускуналари ишлаб чиқариш қувватини талаб даражасида ушлаш мақсадида Япония ва АҚШдан эҳтиёт қисмлар олиб келинди.

Шундай қилиб, 2009 йил 30 январдан Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг ўз фоизлик улуши асосида сифатли ва экспорттоб ип-кавала ҳамда трикотаж полотно маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Ишчи-ҳодимларга етарли шароит яратилиши, иш ҳақининг ўз вақтида берилиши натижада самара ҳам узок кўттирмади. Ил охирига бориб, олинган молиявий ёрдам тўлиқ қайтариб берилди.


Ишлаб чиқариш бўлими

бошлиғи Асқар Бобокўлов ва техника хавфсизлиги бўлими бошлиғи Тўлқин Муртазоев ҳамроҳлигида корхонани айланамиз.

Пахта толасини титишдан тайёрлов жараёни бошланади. Бир неча дастгоҳда тозаланган тола йигирув машинасига этиб келди. Бир хил кийинган чақон ва зехли ёшлар замонавий технология билан бемалол тиллашаётганини кўриб, ҳавасингиз келади.

Бу ерда бир кунда 17,5-18 тонна пахта толаси тозаланиб, ип-кавала ҳолига келтирилади. Йигирув, қайта ўраш, тўкув ва қадоқлаш бўлимларида ҳам барча жараёнлар автоматлаштирилган ҳолда бажарилади.

— Йигирув бўлимида Фаёза Ашурова, тайёрлов бўлимида Турсунтош Бекназарова, механикларимиз Фарход Убайдуллаев, Зафар Диевров самарали меҳнатлари билан ўрнатилган бўлишмоқда. — Таъкидлайди Асқар ака. — Ишга қатнаш учун транспорт масаласи ҳал қилинган. Тушлик берилади. Корхона раҳбари



Яшин Холмуродов ҳамда касба уюшма кўмитаси раиси Дилбар Тўраева ҳодимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича барча чораталбирларни кўришмоқда. Яхши-ёмон кўнларимизда қараб туришмайди...

— Дастлаб икки ой синов муддатиде ишга қабул қилинганлар ўқиб, иш ўрганади. Сўнгра лаёқати ва қобилиятига қараб, бўлимларга жойлаштирилади, — қўшимча қилди Тўлқин Муртазоев. — Маҳсулотлар Туркия, Россия ва кўплаб Европа мамлакатларига экспорт қилинади. Ип ўраш учун конуссимон ғалтак-

лар Тошкентдан келтириларди. Яқинда Хитойдан сотиб олинган дастгоҳлар ушбу ғалтакларни ўзимизда тайёрлаш имконини беради. Шунингдек, транспорт харажатлари иқтисод қилиниб, қўшимча иш ўринлари яратиш чоралари кўришмоқда. Бундан ташқари, пахта сақлаш учун 31х10 метр ҳажмдаги омборхона қурилмоқда.

— Терминалдан келтирилган пахта толаси маҳсулот ҳолига келгунча барча жараёнларни лаборатория текширувидан ўтказиб борамиз, — дейди корхонанинг сифат назорати бўлими бошлиғи

Чарос Маҳмудова. — Бўлимда саккиз нафар ходим ишлайди. Маошимиз ўртача икки юз минг сўм. Умумли ишлаш ва кўнгидагидек хордик чиқариш учун барча шaroит мавжуд.

Ҳодимлар юзидаги қониқиб бежиз эмас. Чунки ишда унум, ўсиш бор. Корхонада жорий йилнинг 8 ойида 2984 тонна ип-кавала ишлаб чиқарилиди. Бу ўтган йилга нисбатан 118 фоизга кўпдир. 2010 йилнинг олти ойида 1 млрд. 443 млн. сўм фойда олинган.

Акмаль АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бу ҳақда Курултойда гапирилгани Меҳнат муҳофазаси

ҳаёт хавфсизлигини таъминлайди



Шундай тармоқлар борки, у ерда нафақат меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя этилиши таъминлаш, балки уни кўндалик меъёрга айлантириш тақозо этилади. Албатта, сўз Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги тармоғи ҳақида кетаятганини пайқаган бўлсангиз керак. Айнан шунинг учун ҳам тармоқ касба уюшмаларининг У Курултойида мавжуд муаммо ва камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Эндиги вазиға шу йўналишда туб бурлиш ясашидир. Мухбиримизнинг Марказий кенгаши раиси Алишер Мадаллимов билан қилган сўхбати шу ҳақда.

— Меҳнатни муҳофаза қилиш тегишли қонун ва бошқа меъёрвий ҳужжатлар асосида инсоннинг меҳнат хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишини таъминлашга қаратилган жараёнлар бундан бирор сония бўлса-да бўшагани ҳамон, тузатиб бўлмайдиган оқибатлар юз бериши мумкин.

— Албатта, биз ҳам масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олиб меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлик техникаси бўйича фаолиятимизни халқаро меҳнат меъёрлари, «Ўзавтотранс» агентлиги ҳамда «Ўзавтотўл» давлат акциядорлик компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш қондалари», «Автомобил транспорти корхоналари ва йўл ташкилотлари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича Намунавий йўриқнома»ларга мос равишда олиб боришга ҳаракат қилаётимиз.

Шунингдек, меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси иш берувчилар ва касба уюшма ташкилотлари билан келишилган бўлиб, у иш берувчи зиммасига 50 ва ундан кўп ходим ишлайдиган корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини йўлга қўйиш бўйича лавозимлар ташкил этиши тақозо этилади. 50 ва ундан зиёд транспорт воситалари бўлган ҳолларда йўл харақати хавфсизлиги хизматларини тузиш, мабодо ишловчи ёки транспорт воситалари сони бу рақамдан камни ташкил этса, бу вазиған буйруқ орқали раҳбарлардан бирига юклатиш қўзда тутилган.

— Мазкур йўналишда қайси жойларда иш рисоладагидек йўлга қўйилган, ёки аксинча, қайси жойларда бу ишга панжа орасидан қарашли?

— Тошшаҳартрансмиссия» уюшмасига қарашли «Тошшаҳаравтотўл» ҳамда «Тошшаҳарэлектротранс» давлат компаниясининг корхона ҳамда ташкилотларида бу иш кўнгидагидек ташкил этилган. Жамоа шартномаларига бу борада киритилган бандларнинг бажарилиши эса икки томонлама назорат этиб борилапти. «Ўзавтотўл» давлат акциядорлик компанияси тизи-

мидаги корхоналарда ҳам бу ишга эътибор билан ёндашилмоқда.

Лекин ушбу вазиғага бефарқ қаралганлар ҳам учрамоқдаки, бу ҳолат билан сира мурося қилиб бўлмайди. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, бахтсиз ҳодисалар асосан баландликдан йиқилиш, ишлаб чиқариш қўролларида фойдаланиш талабларига риоя этмаслик, хавфсиз иш юритиш услуби, йўл транспорт ҳодисаси ва касблар бўйича етарлича йўл-йўриқлар берилмаслиги ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувлар сифатсиз ташкил этилганлиги оқибатида рўй берапти. Айрим корхона ва ташкилотларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандислари вазиғаси иккинчи, унинг лавозим этиб юклатилиб, кўпчилигининг меҳнат стажи бир-икки йилдан ошмайпти. Бунинг оқибатида тармоқда ўтган йили 13 та бахтсиз ҳодиса юз берди. Соғлиғига етказилган зарар учун туланган маблағ миқдори 101,5 млн. сўмни ташкил этди.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар Самарқанд, Навоий, Хоразм вилоят вакилликларида анча кўп учрамоқда. Тошкент шаҳар кенгаши, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган вилоят вакилликларида эса бундай ҳодисалар сезиларли даражада камайганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

«Касба уюшмалари қанчалик қўнли бўлса, иш жойлари шунчалик хавфсиз бўлади» шiori ҳануз долзарблигини йўқотгани йўқ. Шундай экан, барча даражадаги касба уюшма фаоллари бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун бутун имкониятларини ишга солиши даркор. Токи, «бахтсиз ҳодиса» ибораси умуман ҳаётимизда учрамасин.

«Ishonch» мухбири
Неъмат РАФИҚОВ сўхбатлашди

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

Аъзолар манфрати йўлида

Вилоятимизда 81 та шифохона, 321 та амбулатория, 239 та қишлоқ врачлик пункти, республика ихтисослаштирилган терапия ва реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Термиз филиали, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё бўлими фаолият юритмоқда. 3634 нафар врач, 20209 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳолига хизмат кўрсатаптир. 4 та тиббиёт коллежида ҳар йили олти юздан зиёд ўрта бўгин тиббиёт ходими тайёрланади.

Ҳодимларни касба уюшмасига жалб этиб, улар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасидаги ишлар самараси ўларок, ҳисобот даврида ташкилотлар сони 315 тага, аъзоларимиз эса 42554 нафарга ошишига эришидик. Ҳисобот даврида тармоқ ходимлари касба уюшмаси кенгаши тасарруфида бўлган меҳнат жамоаларида 98 та жамоа шартномаси тузилиб, улар орқали 35564 нафар меҳнат-каш манфаати қамраб олинди. Жамоа шартномалари орқали ходимларга 2 млрд. 726 млн. 744 минг сўм сарфланди.

Соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда замонавий ахборот техника воситалари билан таъминлаш мақсадида Марказий кенгаш томонидан Ангор тумани Занг қишлоқ врачлик пункти, Шўрчи, Шеробод, Денов, Узун ва Сарисийё туман тиббиёт бирлашмалари касба уюшма кўмиталарига компютерлар ўрнатилди.

Ҳодимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатини нодавлат секторда ҳимоя қилишни кучайтиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Вилоят соғлиқни сақлаш тизимида мулкчиликнинг нодавлат шаклига мансуб

80 та ташкилот мавжуд бўлиб, шундан 35 тасида касба уюшма ташкилоти тузилган. 45 таси туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфида бириктирилиб, 656 нафар ходим манфаати ҳимоя қилинмоқда.

Ҳодимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини жорий этиш, иш ҳақидан муддатга ўтган қарзорликни бартараф этиш мақсадида 15 марта Марказий банкнинг вилоят филиалига, 6 марта вилоят прокуратурасига, 2 марта вилоят ҳокимиятига, 2 марта вилоят молия бошқармасига мурожаат қилинди. Натижанда, 2 млрд. 930 млн. 618 минг сўмлик ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи ундириб берилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, зарарли ва хавфли иш жойларида меҳнат қилувчиларга белгиланган махсус кийим, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сўт маҳсулотлари берилиши юзасидан назорат олиб борилиб, 24 та тиббиёт муассасасида аниқланган қонун талаблари бузилишини бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Касба уюшмаси ҳаракатида аёллар фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Тизимда хизмат қилаётган

касба уюшма аъзоларининг 80 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Тиббиёт муассасаларида тузилган жамоа шартномалари ва келишувлари орқали қонунчиликда аёллар учун белгиланган имтиёз ва қафолатларнинг бажарилиши юзасидан самарали ишлар қилинди.

Жумладан, қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган 120 нафар аёлга бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътил кўнлари узайтирилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 89 нафар қишлоқ аёлга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 4 ва ундан ортик фарзанди бор аёлларнинг иш ҳафтали 1 соатга қисқартирилди. Бу Шўрчи туман тиббиёт бирлашмасидаги 145 нафар аёлга нисбатан қўланилмоқда.

Зарarli шароитда ишлаётган аёллар эса махсус кийим-бош, сўт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлаб келинмоқда ҳамда иш ҳақидан даромад солиғи ундиришда имтиёз берилмоқда. Биргина Денов туман тиббиёт бирлашмасида бундан 29 нафар аёл унумли фойдаланаптир.

Аъзолар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 724 нафар ходим вилоятимиз

ва республика санаторийларида дам олдирилди. Шундан 68 нафарига имтиёзли йўлланма ажратилди.

Шунингдек, 705 нафар ходимимиз Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм шаҳарларида, 2500 дан зиёд ёшлар ва талабалар вилоятимиз тарихий қадамжоларига саёхатга олиб борилди. Тармоқ ходимларининг республика «Саломатлик» спартакиадасида вилоятимиз ходимлари 2006-2008 йилларда 1-, 2- ўринларни эгаллашди.

Болажонларни дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил этиш ишлари уюшқоқлик билан амалга оширилди. Ҳисобот даврида соҳа ходимларининг 1787 нафар фарзанди вилоятимизнинг сўлим оромгоҳларида хордик чиқарди.

Ёшлар ўртасида касба уюшма фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида вилоятдаги тиббиёт коллежларида тахсил олаётган 19 нафар иқтидорли талабага касба уюшма стипендиаси бериб борилди.

Барча тиббиёт муассасаларида ўтказилган «Йилнинг энг яхши врач» ва «Энг яхши саломатлик посбонлари» танловларида касба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этди.

Меҳнатқашлар ва ёшларнинг бадий хаваскорлик ижодиёти соҳасида «Ўзбекистон, сени куйлайман» кўрик-танловининг республика босқичида Бойсун туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплекси бошлиғи С.Қозиева ғолиб деб топилди.

«Энг яхши қишлоқ врачлик пункти», «Бошланғич касба уюшма ташкилоти жанговарлиги учун» каби кўрик-танлов ғолиблари вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг дипломи ва бепул йўлланмалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, анъанавий «Устозлар тажрибаси — маҳорат мактаби» учрашувига 32 нафар меҳнат фахрийси тақдир этилиб, кенгашининг қимматлихона совғалари билан тақдирланди.

Байрамлар муносабати билан 21 минг 528 нафар кам таъминланган, кўп болали оила фарзандларига, етим-есир, ногиронларга, ёрдамга муҳтож ходимларга 102 млн. 496 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Имкониятдан келиб чиқиб, С.Рахимов номидаги болалар оромгоҳи, Самбо болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Сурхон соҳили» маҳалласи, Термиз тиббиёт коллежига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Миллий қадриятлар, урф-одатларимиз, маънавиятимизга ҳурмат билан қарашда, қадриятларни кўз қорачигидек асрашда кутубхоналарнинг қанчалик муҳимлиги ҳеч кимга сир эмас. Муассасаларимизда 25 та маънавий хонаси, ҳар бир қишлоқ врачлик пункти ва бўлимларида маънавий бурчаги, 21 та кутубхона мавжуд бўлиб, зиё етказилганларга намунали хизмат кўрсатаптир.

Муяссар КОДИРОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси

Гуруч ичида курмак

Яқинда таҳририятимизга Учтепа тумани «Ватанпарвар» маҳалласи, 24-мавзе 18-, 20-, 22-уй эгаларидан шикоят келиб тушди. Кўрганларимиз, эшитганларимиз хатдагидан ҳам аянчлироқ бўлиб чиқди.



Йўлнинг ўнқир-чўнқирлигидан манзилга етиб боргунча бўларимиз бўлди. Шундоққина йўл бўйининг чап тарафидаги «Тошиссиқликкувати» ИЧБ УҚга қарашли эски қувурлар қазиб олиниб, янгилари қўйилган, ўйдим-чўкур қилиб кўмиб қўйилган. Асфалтидан асар ҳам қолмаган йўлдан бирон машина ўтгудек бўлса, ҳавога кўтарилаётган чангдан қаёққа қочишни билмай қоласиз. Устига-устак йўл бўйида хусусий «Автоқуриқлаш» шохбчаси жойлашганидан автомашиналар ҳам анча серқатнов. Бундан ташқари, «Махсустрас»га қарашли 11-040 сонли чиқиндиҳона ҳам айнан шу йўл бўйида жойлашган. Уни тозалашдан чиқаётган сувлар эса шундоқ ҳам ҳар қил чиқиндилар билан тўлиб ётган ариққа оқиб тушиб, атрофга қўлаша ҳид тарқатапти.

Бундай ҳолатда турли юртимли касалликлар келиб чиқмаслиги ва тарқалмаслигига қим қалат беради?! Энг ачинарлиси, шу атрофда 199-ақли заиф

болалар мактаби, 3 та болалар боғчаси жойлашган. Қанчадан-қанча ўғил-қиз шу йўлдан мактабга, боғчага қатнайдилар. Катталар-ку майли, лекин ёмғир ёқи қор ёққанда уларнинг холи не кечади?! Улар атрофини кузатар эканмиз, ёқилган ҳазон ва чиқиндилардан қолган кул ўрнида болаларнинг ўйнаб юрганини кўриб, юрагимиз ачишиб кетди. Уй атрофидаги майдончалар ўта қаровсиз: қуриган, кесилган шох ва бошқа чиқиндилар уйилиб ётгани етмагандек, бир неча люк оғзи очик ҳолда ташлаб қўйилганлигини айтмайсизми? 22- ва 13-уйлардан 4-5 метр узоклик-



корайиб кетган. Иссиқ, совуқ сув, канализация қувурлари эскириб кетганлигидан тез-тез ертўлаларга сув йиғилиб, санитария нормалари бузилаётгани-чи? 24-мавзе 10-, 11-, 8-, 18-, 20-, 22-уйларнинг хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Рихси Одилова билан гаплашганимизда, хонадонларнинг тўлов қарзлари кўплигини рўқач қилди. Лекин нега барча тўловларни ўз вақтида тўлаётганлар бундан жабр кўриши керак. ХУЖМШ раҳбарлари томонидан аҳолидан қанча пул йиғиланти-ю, нималарга сарфланаётганлигини тегишли идоралар ўз вақтида назорат қилиб турса, балки бундай тартибсизликларнинг олди олинган бўлармиди?!

Юқоридаги муаммолар юзасидан фуқаролар турли идораларга бир неча бор мурожаат қилишган. Бироқ «отанга бор, онанга бор» қабилида иш тутилиб, шикоят ва аризалардан ҳеч қандай натижа бўлмапти.

Қонунларимиз биринчи галда аҳоли, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Уларнинг ижроси ва назорати билан бевосита шуғулланувчи мутасаддилар бу масалага жиддийроқ ёндашмасалар, муаммо ечимини топадиганга ўхшамайди.

Бир хат изидан

Дилором АЛЛАКУЛОВА, «Ishonch» мухбири, Назира БОЙМУРОДОВА олган суратлар

Биласизми? Ўзгартиш киритилди

«Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25-модда. ...Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 43-модда. ...Қишлоқ ҳўжалиги кооперативлари (ширкат ҳўжаликлари), бошқа кооперативларнинг аъзоларига ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза кооператив бошқаруви орқали берилди.

Дехқон ҳўжаликлари аъзоларига, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга, бошқа фуқароларга ва уларнинг оила аъзоларига пенсия тайинлаш тўғрисидаги ариза бевосита аризачининг истиқомат жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига берилди.

Корхона ёки пенсионер томонидан маълумотлари ишонсиз ҳўжатлар тақдим этилганлиги оқибатида давлатга зарар etkazилган тақдирда, etkazилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига қопланади. Бундан қорхона томонидан etkazилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимидан тегишли хабарнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида, пенсионер томонидан etkazилган зарарнинг ўрни эса ушбу Қонуннинг 65-моддасида назарда тутилган тартибда қопланади.

Меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари учун боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган пенсионер оиланинг пенсия тўланаётган аъзолари таркибидидаги ўзгаришлар тўғрисида, улар ўқишни тўхтатганили ҳақида, шунингдек, тўлиқ давлат таъминотидаги ўтказилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимини хабардор қилиши шарт.

58-модда. ...Пенсионер (боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олаётган пенсионердан ташқари) ишга кирган тақдирда, бу ҳақда ўзининг истиқомат жойидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимини хабардор қилиши шарт.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 18-модда. ...Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳўқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олувчига ариза Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимига келиб тушган кундан эътиборан беш иш кунини ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига хузуридаги белгиланган тартибда берилди.

Ўзбекистонда инклюзив таълим

Бугунги кунда республикамизда ривожланишда нуқсон бўлган болаларни ижтимоий-ҳўқуқий ҳимоялаш, касба ўргатиш ва жамиятнинг тенг ҳўқуқли аъзосига айлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасида бу тоифа болаларнинг бошқалар билан тенг мажбурий таълим олиш ҳўқуқи кафолатлаб берилган. 2005 йил 19 сентябр кунин Халқ таълими вазирлиги томонидан «Имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун инклюзив таълим муваққат низоми» тасдиқланди.

Бироқ ҳақли савол туғилади: халқимиз инклюзив таълим тўғрисида етарли тушуночига эгами? Афсуски, бундай эмас. Инклюзив таълим тизимида ўқитиш боланинг имконияти, индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мазкур таълим ноғирон шахсини эмас, тизимни ўзгартиришни тақозо қилади. Бу жараёнда имконияти чекланган бола соғлом тенгдошлари билан биргаликда умумтаълим мактаби шароитида таълим-тарбия олади.

2007-2008 ўқув йилида Ўзбекистонда бир неча мактаб-интернат ўзларига яқин жойлашган умумтаълим мактаблари билан шартнома тузди. Хўсусан, пойтахтимиздаги 101-кар болалар мактаб-интернатиди ҳам инклюзив таълим йўлга қўйилган бўлиб, интернат ўқувчилари меҳнат, тасвирий санъат, жисмоний тарбия фаилари соғлом тенгдошлари билан умумтаълим мактабларида ўқитиладилар. Қолган фаилар эса интернатда ўқитилади. Албатта, инклюзив таълимга ўқувчиларни жалб қилишда нуқсон даражаси ҳам инобатга олинадилар. Нуқсон қанчалик енгил бўлса, ўқув жараёнини ташкил этиш шун-

чалик осон бўлади. Масалан, заиф эшитувчи болалар бу тизимга жалб қилинса, улар биринчи партада, овоз кўчайтиргич аппаратлари ёрдамида ўқув материални мустақил ўқитиш имконига эга бўлади. Кар ўқувчиларни ўқитишда эса сурдо таржимонга эътиб қилинади, лекин бу таълимнинг 100 фоиз мувафқиятини белгилаб беролмайди. Чўнки кар ўқувчилар ва соғлом болаларга янги материални ўргатиш жараёнида тафсилотлар мавжуд. Бундан ташқари, инклюзив таълимни жорий қилиш йўлида бир қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар мавжуд. Булар жамият аъзоларининг бу тоифа шахсларга янги муносабатда бўлиши, махсус педагогик кадрларнинг етишмаслиги ва ҳўқазо бўлиши мумкин. Уларни ҳал этиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Фақат шу йўл билангина бу тоифа шахсларнинг Ватанимиз равақига ўз ҳиссасини қўшишига, айни вақтда ўз ҳаётига мазмун бахш этишига ёрдам беришимиз мумкин.

Дилноза СУЛТОНОВА, Низомий номидидаги ТДПУ дефектология факултети талабаси

Истеъмолчи ҳўқуқи

Ўзимизни алдамайлик

Кўпчилик сотиб олаётган маҳсулотининг ярқилик мударига эътибор бермайди. Ваҳоланки, айни шу жараён истеъмолчилик ҳўқуқимиз билан чамбарчас боғлиқдир.

Бўлимиз мутахассислари Қарши шаҳридаги «Жаҳонгир Асадшўх» хусусий фирмасига қарашли дўконда текшириш ўтказганда, мударати ўтган ширинликлар борлигини аниқлашди.

Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳар «Кеш меҳри» кўзи ожизлар ишлаб чиқариш реабилитация корхонасида ишлаб чиқарилган 750 гр. оғирликда қадқолган, ҳар бирининг нархи 300 сўмдан 5000 донна биринчи навли, нархи 150 сўмлик 40000 донна «Мунис» ош тузининг сифати махсус лабораторияда текширилганда оғирлик бўйича стандарт талабларига жавоб бермаслиги, яъни, туз меъёрга нисбатан 120

гр. кам қадқолганлиги маълум бўлди. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида сотилган товарлар юзасидан ҳудудий бошқармага 113 та ариза ва шикоят тушди. Уларни ўрганиш натижасида 16506600 сўм истеъмолчиларга ундирилди.

Бўлим мутахассислари «Реклама тўғрисида»ги қонун талабларига риоя этилиши юзасидан 67 та текшириш ўтказди. Унга қўра, Китоб туманида чоп этилаётган «Китоб тонги» газетасининг 2010 йил апрелдаги «Мижозлар мамнун» сарлавҳали мақола-сида «Хамкорбан»нинг Китоб филиали томонидан мижозларга яратилган қўлайликлар очик тарзда

реклама қилинган. Бироқ мақолада реклама белгиси кўрсатилмагани учун газета муҳарририга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдориди жарима солинди. Бундан ташқари, ташки рекламани жойлаштириш тартибини бузган бир неча тадбиркор аниқлаиб, маъмурий жаримага тортилди.

Парда НУРУЛЛАЕВ, вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси истеъмолчиларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш бўлими бошлиғи

Бирни кўриб фикр қил...

Жазоси оғирлашди...

Ўғрига раҳм қилган тўғрига зулм қилади.

Мақол

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятларидан бири ўғриликдир. Унинг объекти — ўзганинг мулки. Бундай мулкни яширин равишда талон-торож қилиш жиноятнинг объектив томонидир. Баҳор эди. Соат 15 лар чамаси. Назарбек Станиславни учратиб қолди. Икковлон пиво-хўрлик қилишди. Сўнг Назарбек «бозор ичкарасида бирова қарзим бор эди, олиб келай» деб ичкари кириб кетди. «Ов» илинжида бозор ай-

ланди. Харид қилаётган аёлни обдон кузатди. Бежирим сумканинг ташки чўнтағидида уяли телефон «мени ол» деб турибди. Аёл харид билан андармон бўлганда билдирмай олди ва узоклашди. Станиславнинг олдиди келиб, қўлига тутқазди: — Сотасан. Шаҳрисабз бекатида сени кутаман. Шу пайт икки аёл келиб қўлидан «шаппа» ушлашди. — Телефонни қайтариб бер. — Қанақа телефон? — Ўзини билмаганга солади-я.

Назарбек бир юлқиниб, кўп қаватли уйлар томон қочиб кетди. Бузоқнинг югургани сомон-хонагача. Тезда тутиб олиб келишди. Станиславни топиш ҳам қийин бўлмади. Аммо у телефонни аллақачон пуллаб бўлганди. Анатолий исмли йигит арзон-гаровга сотиб олган экан. Йигитлар юзлаштирилганда, ҳаммаси аён бўлди. Анатолий фуқаровий даъвогар деб топилди.

Судда Назарбекка енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинди. Айбига иқорлиғи ва пушаймонлиғи, жабрланувчига etkazилган зарарни қоплаганлиғи жазони енгиллаштирувчи

ҳолат деб топилди. Илгари ҳам қасддан жиноят содир этганлиғига қарамасдан, яна бу ишга қўл урганлиғи жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб қаралди.

Шундай қилиб, Назарбек Жиноят кодекси 169-моддаси 4-қисмининг «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиғида айбдор деб топилди, озоликдан маҳрум қилинди.

Ашвёий далил сифатида эътироф этилган уяли телефон аппарати жабрланувчига қайтарилди. Фуқаровий даъвогар фойдасига маълум миқдордаги моддий зарар ундирилди.

Довуд МАДИЕВ

Қонун барчага баробар

Адолат мезони бузилганда...

Адолат мезони бузилса, ҳақиқат тарозисининг посангиси қиялайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган беш йил мобайнида Марказий кенгашга жами 377 та мурожаат тушган бўлиб, аксариятида меҳнат қонунлари бузилаганлиги тилга олинади. Масалан, «Чуст пахта толаси» АЖ ходимларидан олти нафари шикоят қилиб, иш ҳақларини вақтида ололмаётганликларини маълум қилишди.

Ариза обдон ўрганилди. Аниқланишича, аризаларга ҳақиқатдан ҳам жамият томонидан ойлик маошларининг бир қисмини тўланган. Касаба уюшма аралашуви билан иш ҳақи қайта ҳисобланди ва Х.Зокиров, Ш.Қорабоев, И.Зокиров, Ю.Мансуров, В.Зокиров ва Ф.Зокиров ойлик маошларининг қолганини ҳам олишига эришилди. Шунингдек, бухоролик Х.Раҳмонов, қашқадарлик Н.Норкулов, А.Ҳакимов, наманганлик И.Алтинбаев, фарғоналик А.Усмонов, Тошкент вилоятидан Т.Мурзатов ва бошқаларга ҳам иш ҳақи масаласида ёрдам қилинди.

Бошқа бир ҳолат. Сирдарё вилояти 15-сон қурилайтган корхоналар бирлашган дирекцияси раҳбари ходим Б.Кархановнинг (яқин меҳнат тартиб-қоидаларини қўпол равишда бузганлиғини сабаб қилиб) меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилган. Ишдан озод қилиш жараёнида Меҳнат кодекси талаблари бузилган. Мисол учун, ходимни ишдан бўшатиш тўғрисида бошланғич касаба уюшма кўмитасининг розилиғи буйруқ берилгандан 35 кун кейин олинган. Бундан ташқари, ходимдан тушунтириш хати сўралмаган, унинг қўлига буйруқ нусхаси берилмаган. Бу эса қонунга зиддир.

Масала жиддий ўрганилган, иш берувчи билан музокара олиб борилди ва пировардида Б.Карханов ўз вазифасига қайта тикланди. Шунингдек, мажбурий бекор юрган

қонлари учун иш ҳақи тўланиши масаласи ҳал этилди. Қибрай туманидаги Ш.Рашидов номли паррандчилик фермаси АЖда ишлаб, касб касаллиғига чалинган фуқаро Гулнора Қуттибаевага etkazилган моддий ва маънавий зарар тўланмаганлиғи боис судга даъво ариза киритилди. Кўрсатилган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ туманлараро ва вилоят судлари орқали унга жами 4 млн. 718 миң сўм миқдориди моддий ва маънавий зарар ундириб берилди. 2002 йилдан буён ҳақ-хўқўқларини талаб қилиб, эшикма-зшиқ сарсон бўлиб юрган фуқаро К.Мадиевнинг Марказий кенгашга ёзма мурожаати асосида текшириш ўтказилиб, аризаچи ишлаган корхона юридик шахс сифатида тугатилганлиғи боис 3 млн. 423 миң сўм миқдордаги маблағ ижтимоий таъминот бўлимидан ундирилди.

Юзага келаётган муаммолар ечимига бевосита аралашиб, меҳнаткаш ҳақ-хўқўқларнинг тикланишига қўмаклашиш касаба уюшма органларининг бирламчи вазифаларидандир.

Турсун НИЁЗОВ, Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бўлим мудирини

Тадбир давомида «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги ҳудудидаги қурилиш-иқтисод касб-хўнаор коллежи ёнида Зағнаота туманида яшовчи Х.Шукуров фуқаро Г.Абдуллаевдан ноқонуний равишда 3000 АҚШ долларини 6 540 000 сўмга сотиб олганлиғи аниқланди. Шунингдек, департаментнинг Тошкент

Ҳалолдан бошқаси юқмайди

Ноқонуний валюта сотиш ва сотиб олишнинг олдини олиш борасида департамент қатъий чоралар кўраётди. Жумладан, департаментнинг Тошкент вилояти Юқоричирик туман бўлими ходимлари томонидан валюта қимматликлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида тезкор тадбир ўтказилди.

вилояти бошқармаси ҳамда Юқоричирик туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Бордонқўл ҚФЙ ҳудудида жойлашган 5-автокорхона ёнида фуқаро О.Соибов ва И.Солиҳов олдидан жиний тил бириктириб, фуқаро Н.Руденкога ноқонуний

равишда 6000 АҚШ долларини 14 280 000 сўмга сотганлиғи ўз ичига олади. Юқоридаги хар икки ҳолат юзасидан жино-

ий иш қўзғатилиб, айбдорлар қилмишига яраша жазосини олишди. Шунингдек, ҳалолдан бошқаси юқмайди, деб.

Беҳзод АХМЕДОВ, СВОЖДЛКК Департаментнинг Юқоричирик туман бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи



Таълим ва фан ходимлари касабда уюшмаси вилоят кенгаши томонидан ўтган ойда Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» дам олиш масканида ташкил этилган «Саломатлик» спартакиадаси шунинг назарда тутиб уюштирилган-дек эди. Унда иштирок

этиб, хотин-қизларга эътибор кучайтирилганининг шохиди бўлдим. Волейбол ва шашка бўйича ҳамкасблар билан мириқиб куч синашдим. Шахмат баҳсида эса 2-ўринга сазовор бўлиб, вилоят кенгашининг қимматбахо совгалари билан тақдирландим.

Дил изҳори Ҳам баҳс, ҳам ҳордиқ


Меҳнат таътили пайтида ҳам уй юмуши билан банд бўлиб, дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш, сиҳаттоғларга бориб даволишни унутиб қўямиз. Бу ҳолат кўпчилик аёлларга таниш.

Мусобақада иштирок этиш билан бирга маданий дам олдим. Шундай ажойиб тадбирни уюштирган касабда уюшма фаолларига миннатдорчилигимни билдираман.

Насибохон МАМАТҚУЛОВА,
Наманган вилояти



Бир ўлкаки... Пешоғорга саёҳат ёхуд юртимиз қадамжолари бўйлаб



Жиззах вилоятининг биргина Зомин туманида ўттизга яқин тарихий обида, ёдгорлик ва муқддас қадамжолар бўлиб, улардан сайёҳ, зиёратчи ва табиат ошувталарининг қадами узилмайдиган. Жумладан, Бешбулок қишлоғидаги Қоплон ота зиёратгоҳи ва у билан боғлиқ афсоналар кўпчилигининг эътиборини тортади. ...Баҳор келгач, бир чўпоннинг совлиқлари бирин-кетин қўзлайиб бошлабди. Улардан бирини назар қилибди-ю, қурбонликни тезда амалга оширавермабди. Бир кун тунда сурувга қоплон яқинлаша бошлабди. Чўпон эса қўрққанидан нима қиларини билмай, турган жойида қотиб қолибди. Абжир махлук семизгина қўйни тутиб ортга қайтибди. Маълум бўлишича, қоплон ҳалиги қўйни булок бошида бўғизлаб, ташлаб кетган экан. Шу-шу булок бўйи Қоплон ота номи билан атала бошланибди. Ёнидаги мўъжаз уйчага зиёратчилар келиб туришади.

Моргузар тоғ тизмаларида жойлашган баланд қоя ёнидаги Тошқув ёдгорлиги узоқдан одам гавдасини эслатади. Уч опа-сингил ва Қизқетган қоялари ҳақидаги афсоналар ҳам кўпчиликни қизиқтирмай қолмайди, албатта. Айтишларича, улар ёвга тутқун бўлишдан кўра тошга айланишни афзал қўришган экан. Тилдан-тилга ўтиб келатган ривоят ва афсоналар замирида озми-кўп ҳақиқат бордир. Эҳтимол, мазкур ёдгорликлар кучли жала ва тинимсиз шамоллар тўғайли тоғ жинсларининг емирилишидан пайдо бўлгандир...

Сафаримиз давомида Еттисув кечувидан ўтиб, Кўктўнли ота зиёратгоҳига етдик. Сўлим ва бетакрор табиат кўйидаги Парпи ота зиёратгоҳи теварак-атрофининг шинам ва қўрқамлиги диққатимизни тортди. Шунингдек, Хўжа Мишкент ота ва Хўжа Сероб ота зиёратгоҳида бўлганимизда, хайратимиз янада ортди. Туяттош

шаршарасига боқиб, табиат фаройботларидан лол қоласан, киши.

Куннинг иккинчи ярмида қадимги ер ости обидаси — Пешоғорга бориш иштиқи баландлик қилди. Ҳор атрофи кўм-кўк арчазор ва йирик буталар билан қопланган. Баланд тепалик остидаги ички йўллар неча асрлар илгари вулкон, табиий офат ва оҳақтошларнинг емирилишидан вужудга келган.

Тор ва кичик туйнук орқали ғор ичкарасига кирдик. Девор шифтларида сон-саноксиз кўршапалаклар жипслашиб, муаллақ осилиб турибди. Улар чироқ ёруғида безовта бўлиб, ғалати товушлар чиқара бошлади. Турли қалпагу сувараклар ҳам беҳисоб. Димокқа қўланса ҳид урилади. Ҳор саҳни тобора кенгайиб борар, уч-тўрт одим нарини қўриб бўлмасди. Айрим йўлақлар худди қувурдек номаълум томонга қўзилиб кет-

ган. Баъзан энсиз ва тор йўлақлардан эмаклаб ўтишимизга тўғри келди.

Ҳор деворларидан сизиб пастга тушаётган сув томчиларидан жилғалар, уларнинг бирикувидан эса ариқ суви ҳосил бўлган. Агар сув оқими мавжуд бўлмаганда, бу обида ўлик ғор деб аталган бўларди.


Эгнимиз ҳўл бўлиб, мадорсизландик. Бироқ йўл азоби, синов ва машаққатлардан нолиш ортиқча. Қолаверса, саёҳатнинг ўзгача гаши бор. Ташқарига яқинлашганимизда, қўш энди уфқга бош қўймоқда эди.

Таассуротларга бой саёҳатдан сўнг ёдгорлик ва муқддас қадамжоларни асраб-авайлаш, зиён етказмаслик ва қадрлаш, бу борада тарбият-ташвиқот олиб бориш муҳим вазифалардан бўлмоғи лозимлигини тўлароқ англадик.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Дашт бургути

Дашт бургутини кўрганмисиз? Бепойн кенгликларга туташиб кетган биёбонларда юрган бўлсангиз, албатта, бу мағрур қўшга кўзингиз тушгандир. Мен уни ҳар гал кўрганымда, сўртўдлик Холиёр чўпон кўз ўнгимга келади. Холиёр деганлари сизу бизга ўхшаган оддий одам, машхурлигу шон-шўҳрат таратишдан анча кейин тугилган. Касби-кори ҳам жайдари: оддий чўпонлик...



Холиёр тўрт фасл ҳам бир хил: бошида сур телпак, эғнида чопон ёки чакмон, ёғида ағдарма этик, от устида юради. Узи хушқачқак, самимий йилгит, бозор-ўчарда, туй-маърақада кўп юради. Ҳолас, таниш-билиши, дўсти кўп. Холиёр Сортўднинг олд чўпони бўлган Тўрабой ва Норбиби момоларнинг қизи Ойсоатдан кейинги тилаб олган арзандаси. Тўрабой чўпон кирқ йил сурув кетидан юрди. Умрининг кўп қисмини дашту қирда ўтказди. У кишини яхши биладиганларнинг таъкидлашича, Тўрабой чорва илмини пухта эгаллаган, узоқни қўзлайдиган, тадбиркор ва қаттиққўл бўлган. Холиёрни жондан азиз кўрс-да, ичида сакларди, ташига чиқармасди. Сабоби ўғлининг талтайган ва лапашан бўлишини истамасди. Боласини беш ёшдан отга миндириб, сурув жайдашга ўргатди, табиатнинг сир-асро-ри, илон изи сўқмоғу чексиз яилловлар билан таништирди. Холиёр ўт-ўланни қовжиратган ёз гармселларида, кишининг суякни қақшатадиган аёзларида ёбон узра сурув ҳайдади, нолиш нималигини билмади. Отасидан чўпонликнинг сир-

синоатини, ўт-ўланлар ҳосиятини сиңқовлик билан ўрганди. Шу кенгликлар ҳаёт ва тириклик манбаи эканлигини болаликдан англаб етди. Аммо Холиёрнинг мактабга ўнчалик ҳафсаласи бўлмади. Бор-йўғи олтинчини тамомлади, холос. Отаси ҳам ўғлининг «Алломишчи, «Турўғли»ни шариллатиб ўқганини эшитиб, унга шуниси ҳам етади деб ўйлади шекилли, уйига сўроқлаб келган муаллимларни обдон меҳмон қилиб жўнатди, улар ҳам қайта Холиёрни безовта қилишмади. Холиёр ўн бешида отасининг ёрдамчисига айланган, ўзи тенгиларга нисбатан анча бўйдор ва вазимин эди. Кўп ўтмай ишқ деган тилсимотнинг сеҳрли қармоғига илинди. Қўшни чўпон Абдуқолиқбойнинг эрка қизи Шафоатой шарт қўйди: — Аввал у ёқ-бу ёқни қўриб келсин. Дунё фақат Сортўддан иборат эмас, ҳеч бўлма-са армияга борсин... Холиёр арза ёзиб, уйдан яшириқча ҳарбийга кетди. Икки йил ўтгач, кўкрак кериб тонгда қишлоғига «Не плач девчонка»ни айтиб кириб келди. Кўп ўтмай уларнинг тўйи бўлди. Ола хуржун елкасига тушган йилгит иккиланмасдан отасининг кирғий тағбини олиб, қўй боқа бошлади. Оз эмас, кўп эмас йигирма тўрт йил ҳўжаликнинг қўйини боқди. Уйда бегоб ётган Тўрабой бир кун қирда қўй боқатган ўғлини чақиртирди. Холиёр кела солиб отасининг ёнига чўкди. — Болам, — деди Тўрабой, — шу сўзларим ҳаминча ёдингга бўлсин, ҳеч ким отасининг мол-дунёси билан бой бўлмади. Уканг Йўлдош билан икковинга қолаётган қўй-қўзи, эчки-улоқ, сигир-бузоқ, от ва йилқиларни тенг бўлиб олинглар. Уларни мен ҳалол меҳнатим билан топганиман, билмадим, улар сизларга вафо қиладими, йўқми...

Орамиздаги одамлар

Холиёр, ўғлим, бозорга мол олиб борсанг қайтарма, уйингга келган совчини ҳайдама, биров остонанга нима сўраб келса бер, ҳеч кимни ноумид қилма, қарз олган кишига талаб қилиб борма, дўст таллашда адашма. Энди эна сўзим, бошингдан зар тўкса ҳам Сортўдидан ўзга элга кетма, чунки шу тупроқда бобонг, момонг ётибди, мен ҳам шу ерда қоламан!

Тўрабой эртасига бандаликни бажо келтирди. Отанинг васияти эса Холиёр учун ҳаёт қонунига айланди. У ота сўзларига амал қилиб кам бўлмади, бой бўлди, топгани тилло, ёгани сори мой бўлди. — Биласизми, дўстим, ўйлаб қарасам, отам валий экан. Айтганларининг бариси содир бўлди. Укам иккаламиз қанчалик чиранмайлик отамиздан қолган моллар гоҳ у сабаб, гоҳ бу сабаб адо бўлди. Бировнинг молни ҳеч қачон татимас экан. Фақат ҳалол меҳнат қилиб топганингизгина ўзингизга юқаркан. Худди шундай бўлди. Бекорга ҳазрат Ясавий:

Бешак билинг бу дунё борча элдин ўтаро, Ишонмагин молингга бир кун қўлдан кета-ро... деб айтмаган. Эшигимга келган мардумни қучоқ очиб кутиб олдим, неки сўраса оғринмай бердим. Кимдир маъракага қўй сўради, кимдир зиё-фатга улоқ сўради, кимдир зориқиб бир қоп бугдой сўради, ҳеч кимга йўқ демадим. Бор дедим, бердим, бировдан қайтди, бировдан йўқ, парво қилмадим, назарга илмадим. Икки бор ўғилларимга қўпқари, кураш бериб тўй қилдим. Турли туман ва вилоятлардан дўст-журалар топдим. Бошимга мушкул иш тушганда қўлашди, далда беришди. Шафоатой билан олти фарзандни ўстирдик. Уктам, Хасан, Аҳсам, Хусниддин отли ўғилларим, Муҳаббат, Хадича деган ойда йилқиларим, набираларим бор. Хозир ўғилларим қўй боқяпти, ўттиз гектар лалми еримиз бор. Бугдой, арпа экамиз. Эй дўст, ҳадемай эллик бешга ҳам қадам қўяман. Нолийдиган жойим йўқ, қўрада молим, остимда отим, белда белбоғим бор. Баъзан теллаки бошдан олаб ўйлайман. Умр дегани бир зумда ўтар экан. Еруғ оламда одамдан мон қоларкан, яхши-ёмон ишлари қўлар экан. Уролбой ҚОБИЛ,
Қамаши тумани, Сортўдди қишлоғи

Спорт САЛТАНАТИ

Навоий Баркамол авлод орзуси

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод — 2010» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли беллашувда 960 нафар ёш спортнинг 8 тури бўйича ўзаро куч синашди. Яқунда Навоий шаҳар ёшлари биринчи, нав-баҳорликлар иккинчи ва хатирчиликлар учинчи ўрин эгасига айланди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ

Нафис санъат маликалари

Нафис спорт тури ҳисобланмиш бадий гимнастика бўйича Навоий вилояти очик турнири бу гал Нурота шаҳрида ўтказилди.

Беллашулар якунига кўра, Навоий шаҳридан Ф.Нёматова, Н.Абдуллаева, конимехлик Н.Абдуразақова, нуроталик Н.Насриддинова ўз ёшларига кўра тенгқурлари ўртасида биринчи ўринга лойиқ топилдилар.

Мансур ЗОИРОВ

Устоз ва шоғирд ютуғи

Навоий шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби 7-синф ўқувчиси Муҳаммадали Норов истикболни спорт олампидан излаётган умидли ёшлардан.

Шу йилнинг 19-22 июн кунлари Англиянинг Кент шаҳрида ёш курашчи ўзбекистон Республикаси Президенти турнирида иштирок этиб, Франция, Испания ва англиялик тенгқурлари билан беллашди.

20 нафардан ортиқ спортчимиз иштирок этган мазкур турнирда 11 та олтин медал қўлга киритилган бўлса, улардан

Шакаржон ЭШМАТОВ,
жамоатчи мухбир

Қашқадарё Барчиной издоши

Қарши иқтисодий касб-хунар коллежида таълим олаётган Шаҳло Эрназарова ўн ёшдан бери спорт билан шуғулланади. У ўзининг илк устози 2 қарра жаҳон, 3 қарра Осиё ва 12 марта Ўзбекистон чемпиони бобоси Абдурашид Мирзаевдан миллий кураш сирларини ўргана бошлаган.

Бундан тўрт йил муқаддам Навоий вилоятининг Кармана шаҳрида бўлиб ўтган очик чемпионатда 45 килограмм вазнда биринчи ўринни эгаллаган Шаҳло Эрназарова вилоятда истикболни порлоқ курашчилар вояга етатганлигини амалда исботлади.

Фахр туйғуси

Вилоят шахмат федерациясининг бош мураббийси Раҳим Ражабов ўзининг кўп йиллик иш фаолияти даврида юзлаб иқтидорли шоғирдларни тарбиялаб вояга етказди.

Бундан етти йил муқаддам ташкил топган вилоят шахмат федерацияси кўплаб шахмат усталирини тарбиялаб вояга етказди. Спорт усталари Сарвиноз Эргашева, Акмал Файзуллаев, Умида Чоршанбиева, Нодира Нодиржонова каби мамлакат ва халқаро мусобақалар голиблари Раҳим ақаниннг иқтидорли шоғирдлари ҳисобланади.

Иzzат ҲИҚМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

Insonga naf keltirish
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abdusoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari).
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib).
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AIYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasini, 24-uy
E-mail:
mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev
Navbatchi:
N. Maxamov
Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbas aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxonaning manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasini, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-nom bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta o'qituvchisi, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatida gazeta nomi ko'rsatilib shart.
Mualliflar fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farg'atishi mumkin.

h - Tijorat materiallari
Boshiga go'shirish vaqti - 00.00
Topshirildi - 00.30

Buyurtma № — 851
11449 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
2 3 4 5